

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГЕРМАНИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ
КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ҚАЙД ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев 1 ноябрь куни

мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Германия федерал ташқи ишлар вазири Анналена Бербок бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлики янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Икки мамлакат ташқи сиёсий идоралари даражасида сермахсул алмашинувларни давом эттириш, биргаликдаги ишбилармонлик ташаббуслари ва бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш механизmlарини самарали ишга солиш, маданий-гуманитар тадбирларни ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзаро савдо ва инвестиция кўрсаткичлари ўсаятгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил бошидан товар айирбошлаш 45 фоизга ошди. Жалб этилган инвестициялар ҳажми йил якунига бориб 1 миллиард еврогача бўлади. Хусусан, бугунги кунда Ўзбекистонда

Германиянинг 200 дан ортиқ етакчи компаниялари муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, молиявий-техник ҳамкорлик, шу жумладан, "KfW" банки ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти иштирокида кенгайиб бормоқда.

Ташқи сиёсий идора раҳбари Анналена Бербок Янги Ўзбекистондаги демократик янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дастури Германия томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини ана бир бор қайд этди.

Томонлар "яшил" иқтисодиёт, муқобил энергетика, инновациялар, ресурсни тежовчи ва экологик тоза технологияларни қўллаш, илғор таълим методикаларини жорий қилиш каби устувор йўналишларда амалий ҳамкорлики янада ривожлантиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.ИМТИЁЗЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ
ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилган имтиёзлар самарадорлиги таҳлили бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.

Инсонлар ўз бизнесини бошлаши, ночор корхоналар ёки чекка худудлар "оёққа туриб олиши" ва янги экспорт бозорларига кириши учун баъзан ёрдам керак. Бу пировард натижада янги иш ўринлари пайдо бўлиши ва аҳоли даромадлари ошишига хизмат қилади.

Шу мақсадда охириги йилларда бир қатор имтиёзлар жорий этилди. 2021 йилда уларнинг жами ҳажми 51 триллион сўмни ташкил қилган. Натижада ўтган йили 170 мингта янги тадбиркорлик субъекти очилган, 500 мингдан зиёд иш ўрни яратилган.

Охириги опти йилда биргина солиқ соҳасида 1 минг 400 га яқин имтиёзлар тақдим этилган. Экспортни қўллаб-қувватлашга қаратилган субсидиялар ҳам ўз натижасини бериб, тадбиркорларнинг ташқи бозорга чиқишига мадад бўлмоқда. Биргина ўтган йилда 280 миллиард сўмдан ортиқ шундай субсидиялар ажратилган бўлиб, унинг 220 миллиардга яқини экспорт бўйича транспорт харажатларига йўналтирилган. Натижада 2 минг 800 та корхона илк бор ташқи бозорга чиққан.

Шунингдек, экспортчи корхоналарга халқаро стандартлаш ва сертификациялаш, суғурта ва хатто реклама харажатлари қисман қоплаб берилмоқда. Натижада электр техникаси тармоғида берилган ҳар бир сўм субсидия эвазига 870 сўмлик экспорт амалга оширилган. Бу кўрсаткич тўқимачилик соҳасида 555 сўм, қурилиш материалари соҳасида 273 сўмни ташкил этган.

Тадбиркорларга кўмаклашиш учун кредит фоизларини компенсация қилиш ва кредит кафолатлари бериш тизими

яратилди. Уларга кредит юкломаларини камайтириш мақсадида Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 6 триллион 100 миллиард сўмлик мажбуриятлар олинган бўлиб, жорий йилнинг ўзида 2 триллион 500 миллиард сўмлик компенсациялар тўлаб берилган.

Лекин жойларда имтиёзлардан самарасиз ёки мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Масалан, давлат бюджетидан 127 турдаги субсидиялар жорий этилган бўлса-да, амалда уларнинг 15 тасидан фойдаланилмаппти.

Тармоқлар ва соҳалар бўйича ҳам имтиёзлар самарадорлиги бир хил эмас. Мисол учун, қишлоқ хўжалигига берилган ҳар 1 сўм имтиёз эвазига соҳада 33 сўм қўшилган қиймат яратилмоқда. Бу кўрсаткич соғлиқни сақлаш соҳасида 30 сўм, таълимда 22 сўм, ахборот технологияларида 16 сўмни ташкил этмоқда.

Йиғилишда имтиёзларнинг самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

— Сўнгги йилларда иқтисодиёт тармоқларига туртки бериш учун илғари тарихимизда бўлмаган имтиёзларни жорий этишга мажбур бўлдик. Бугун улардан натижа, сабоқ, тажриба қандай бўлди, деган саволга жавоб топиш керак. Бюджетдан ажратилган ҳар бир сўмнинг ҳисоб-китобини жойига қўйиш, имтиёзларнинг самарадорлигини ошириш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан келиб чиқиб, Бош вазир ўринбосари ва молия вазирига барча имтиёз ва субсидияларнинг натижадорлиги кўрсаткичларини белгилаб,

улардан самарали фойдаланиш бўйича қатъий назорат тизимини жорий этиш топширилди.

Ҳисоб палатасида мониторинг бўлими ташкил этиб, имтиёзлар самарадорлигини доимий таҳлил қилиб бориш вазифаси қўйилди.

Солиқ ва божхона имтиёзларини хатловдан ўтказиб, самарасизларини бекор қилиш, хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун берилган имтиёзларни бирхиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Худудлар кесимида олган-диқлар жорий этилган бўлса-да, амалда уларнинг 15 тасидан фойдаланилмаппти. Тармоқлар ва соҳалар бўйича ҳам имтиёзлар самарадорлиги бир хил эмас. Мисол учун, қишлоқ хўжалигига берилган ҳар 1 сўм имтиёз эвазига соҳада 33 сўм қўшилган қиймат яратилмоқда. Бу кўрсаткич соғлиқни сақлаш соҳасида 30 сўм, таълимда 22 сўм, ахборот технологияларида 16 сўмни ташкил этмоқда.

Йиғилишда имтиёзларнинг самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

— Сўнгги йилларда иқтисодиёт тармоқларига туртки бериш учун илғари тарихимизда бўлмаган имтиёзларни жорий этишга мажбур бўлдик. Бугун улардан натижа, сабоқ, тажриба қандай бўлди, деган саволга жавоб топиш керак. Бюджетдан ажратилган ҳар бир сўмнинг ҳисоб-китобини жойига қўйиш, имтиёзларнинг самарадорлигини ошириш зарур, — деди Президент.

Аҳоли ва тадбиркорларнинг бу борада хабардорлигини ошириш, имтиёзлардан фойдаланиш қамровини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди. Субсидиялар бўйича ягона очик портал яратиб, барча имтиёзларни босқичма-босқич шу орқали бериш таклифи билдирилди.

ЎЗА

ШҲТ САММИТИНИНГ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 77-СЕССИЯСИНИНГ РАСМИЙ
ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ

“Самарқанд ШҲТ саммити: умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида бирдамлик” номи хужжат БМТ журналида барча олтита расмий тилда чоп этилди, ташкилотга аъзо давлатлар, унинг таркибий бўлинмалари ўртасида кенг тарқатилди, шунингдек, Расмий хужжатлар тизимига жойлаштирилди.

Хужжатда ШҲТнинг Самарқанд саммити ўзаро боғлиқлик кучайиб бораётган шароитда минтақавий ва глобал кун тартибининг долзарб масалаларини конструктив муҳокама қилиш учун ўз вақтида ва самарали халқаро платформа бўлиб хизмат қилгани, шунингдек, барқарорлик, хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш манфаатларидан

келиб чиққан ҳолда, кўп томонлама ҳамкорликини мустаҳкамлашнинг янги йўлларини аниқлаш имконини бергани қайд этилган.

Ўзбекистон ШҲТга раислик дастурини тўлиқ амалга оширишга муваффақ бўлди, унинг доирасида 80 дан ортиқ йирик тадбирлар ўтказилди.

▶ Давоми 2-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

САМАРҚАНДНИНГ
ЭЗГУЛИК ОВОЗИСОҒЛОМ ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗАРО
ИШОНЧ СИЁСАТИ

Қадимий Самарқанд яна бир бор ўзининг бутун салобатини, маҳобатини дунёга кўрсатди. Шарқу Ғарбнинг мустақкам таянчига, инсоният барқарор тараққиётининг замонавий шароитлардаги мезонига айланган бу кўхна макон ХІ аср инсоният тақдир, бугуни ва истикболи билан боғлиқ глобал масалаларни, умумпланетар муаммоларни муҳокама этадиган, куч ишлатиш билан эмас, мунозаралар йўли билан, шарқона ақл ва донишмандлик асосида яхшилик сари буришда муҳим роль ўйнамоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий ташқи сиёсати, ғоят халқчил ва инсонпарвар ғоялари айни шу шаҳар орқали дунёга таралмоқда. Бир неча кун жаҳон халқлари диққати қадимий Самарқандга қаратилди. Янги Ўзбекистоннинг бутунлай янги, ғоят қудратли, турли сиёсий кучларни ўзаро бир-бирини тушунишга, бир-бирини ҳурмат қилишга, бир-бирининг қадриятини жиҳатларини эътироф этишга қаратишдек жуда катта маърифатли сиёсатини, маданият ва сиёсий ахлоққа асосланган давлатини жаҳон ҳамжамияти катта қизиқиш билан кутиб олди.

Дарҳақиқат, дунё қалқиб турган бир пайтда Ер шарининг қайсидир

худудларида қон тўкилаётган, қурбонликлар берилаётган бир шароитда Янги Ўзбекистон давлатининг ғоят соғлом, инсонпарвар, кишилиқ ҳаёти халоскор мақомидаги ёқимли ва журъатли овози унинг Президенти тимсолида яна бир бор янгради. Бу ўта халқчил, самимий, миллатидан, эллатидан, диний эътиқодидан қатъи назар, Ер шарининг қайси минтақасида яшамасин, ҳар қандай инсоннинг қалб овози, ҳаётини эҳтиёжи, истиқболдаги тақдир билан боғлиқ умуминсоний воқеликка айланди. Бунинг ўзига хос асослари бор.

▶ Давоми 3-бетда

ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

Сўнгги йилларда юртимизда кечаятган кенг қамровли ислохотлар, очиклик ва шаффофлик сиёсати натижасида халқимизнинг ҳуқуқий ва сиёсий онги ўсди. Шу жараёнда давлат хизматига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, тараққиётнинг асосий локомотиви бўлган давлат хизматчиларидан катта масъулият талаб этади.

ДАВЛАТ
ХИЗМАТЧИСИНИНГ
ОДОБ-АХЛОҚИҲАМ ИЧКИ, ҲАМ ТАШҚИ
ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРУВЧИ
МУҲИМ АСОС

Бугунги одамлар кечаги одамлар эмас, халқимиз жамиятда рўй бераётган ҳар қандай масалала ўзини дахлдор сезади, ислохотларнинг амалдаги натижасига баҳо беради. Табиийки, бу жараёнда, аввало, давлат хизматчилари фаолияти муҳим ўрин тутаяди. Зеро, унинг фаолияти қўллаб соҳалардаги ислохотларни халқимиз онгу шуурига етказишда кўзгудир.

Шу вақтгача давлат хизматчисининг ишдан ташқари вақтдаги хулқ-атворини тартибга солишчи, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш, хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услубига оид талаблар, одоб-ахлоқи қоидаларини назорат қилиш ва давлат хизматчиларини ҳимоялаш каби умумий одоб-ахлоқ қоидалари белгиланмаган эди. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 октябрдаги қарори билан давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқи намунавий қоидалари тасдиқлангани юқорида санаб ўтилган барча муносабатларни ҳал этишга ҳуқуқий ечим бўлди.

▶ Давоми 3-бетда

ШҲТ САММИТИНИНГ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 77-СЕССИЯСИНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев саммитдаги нутқида ШҲТ ўз тараққиётининг янги, янада муҳим босқичига қадам қўяётгани ва ташкилот ҳамкорлигининг қўллаб-қувватлаш вазибаларини ҳал қилиши зарурлигини таъкидлагани қайд этилган.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ШҲТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорлигининг долзарб масалалари бўйича қатор аниқ таклиф ва амалий ташаббусларни илгари сурди. Аввало, ШҲТнинг блокларга қўшилмаслик мақомини ва унинг очиклигини сақлаб қолиш, кенг халқаро ҳамкорликка эътибор қаратиш, хавфсизлигининг яхлитлик тамойилига риоя қилиш муҳимлиги урғуланган.

“Шанхай руҳи” тамойили асосидаги бирдамлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва шерикликни мустаҳкамлаш зарурлигига эътибор қаратилди, бу орқали ШҲТ минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш мумкин, — дейилади ҳужжатда. — Инқирозни биргаликда енгиб ўтиш ва ШҲТ маконидида барқарор ривожланишга эришиш учун иқтисодиёт, савдо ва сарможавий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги қайд этилди”.

Саммит кун тартибига кўра, давлат раҳбарлари ШҲТ доирасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалаларини муҳокама қилгани маълум этилган. Минтақадаги сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг ривожланиши шароитида долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ташкилотга аъзо давлатларнинг келишилган позициялари саммитнинг яқуний ҳужжати — Самарқанд

декларациясида қайд этилди. Унда ШҲТ давлатларининг минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал қилишдаги умумий ёндашувлари акс эттирилган, ташкилотни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб олинган. Музокаралар яқунлари бўйича рекорд миқдордаги ҳужжатлар — 40 дан ортқ шартнома, концепция, дастур ва бошқа қарорлар қабул қилингани таъкидланган. Ушбу ҳужжатлар ШҲТ фаолиятининг истиқболли йўналишлари бўйича ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги амалий мазмун билан тўлдиришга хизмат қилади. Саноат кооперациясини ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, инфратузилмани такомиллаштириш, рақамли савдохонлик ва сунъий интеллектни юксалтириш, минтақалараро савдони янги босқичга олиб чиқиш каби муҳим йўналишлардаги ҳамкорлик бўйича қатор дастур ва режалар қабул қилинди.

Улар орасида, хусусан, ШҲТга аъзо давлатларнинг узоқ муддатли яхши кўшничилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома қоидаларини 2023-2027 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс ҳаракатлар режаси, Транспорт йўлақларини яратиш бўйича концепция, “Ақлли” қишлоқ хўжалиги ва агроинновацияларни жорий этиш соҳасидаги ҳамкорлик концепцияси ва бошқа ҳужжатлар бор.

“Саммит ташкилотнинг замонавий глобал таҳдидларга жавоб бериш борасидаги масъулияти ортиб бораётганини намойиш этди”, дейилади ҳужжатда.

Давлат раҳбарлари кенгашининг ишончли, барқарор ва диверсификациялашган етказиб бериш занжирларини таъминлаш тўғрисидаги баёнотида ШҲТнинг узлуксиз транспорт алоқаларини ривожлантириш ва аъзо давлатлар ўртасидаги савдо тўсиқларини камайтиришга интилиши алоҳида ифодалангани таъкидланган.

Ҳужжатда, шунингдек, Ўзбекистон раислигида ШҲТга аъзоликни кенгайтириш борасида салмоқли натижаларга эришилгани урғуланган. Эрон Мажбуриятлар тўғрисидаги меморандумни имзолади, бу эса мамлакатнинг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиши учун тўғридан-тўғри йўл очди. Тегишли

меморандумларни имзолаш билан Миср ва Қатарнинг ШҲТ мулоқот бўйича шериги мақомини ҳуқуқий расмийлаштириш жараёни яқунланди. Беларусни ШҲТ аъзолигига қабул қилиш жараёнини бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Давлат раҳбарлари Баҳрайн, Мальдив ороллари, Бирлашган Араб Амирликлари, Кувайт ва Мьянманинг ШҲТ мулоқот бўйича ҳамкори мақомига эга бўлиш ҳақидаги аризаларини қўллаб-қувватлади. ШҲТнинг ҳамкор ташкилотлар тармоғи кенгайди — тадбир доирасида ШҲТ ва Араб давлатлари лигаси котибиятлари ўртасида меморандум, ШҲТ котибияти ҳамда ЮНЕСКО ва ЭСКАТО ўртасида ўзаро аниқлашув тўғрисида меморандумлар имзоланди. Ушбу натижалар ташкилотга хос динамизм, унинг очиклиги ва кенг халқаро ҳамкорликка интилишини яна бир бор тасдиқлади. ШҲТнинг Самарқанд саммити ташкилотнинг умумий салоҳиятини юксалтириш, кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва халқаро нуфузини юксалтиришга сезиларли ҳисса қўшди.

Ўзбекистон Президенти томонидан Умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлидаги Самарқанд бирдамлиги ташаббуси тақдим этилгани саммитнинг асосий воқеаси бўлгани таъкидланган. Ушбу ташаббус тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, кенг қўламли халқаро ҳамкорлик ва инсониятнинг барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари келгуси йили Самарқанд ташаббуси бўйича халқаро форум ўтказишни таклиф қилди. Ўз вақтида илгари сурилган ушбу ташаббуснинг ҳаётга амалий татбиқ этилиши ШҲТнинг кенг Евроосиё маконидида тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлашга қаратилган сазй-ҳаракатларига хизмат қилади.

“Дунё” АА
Нью-Йорк

ОБОД ГЎШАЛАР

ҚИЗИЛЖАРДА ҚАЙТА ҲАЁТ БОШЛАНДИ

Бугун Мўйноқ туманининг “Қизилжар” овул фуқаролар йиғини мутлақо янги қиёфа касб этган. Худуд инфатузилмаси ўзгариб, қишлоқ аҳолиси учун хизмат кўрсатувчи қатор ижтимоий объектлар қад ростлади.

Президентимизнинг Мўйноқни ривожлантириш борасида илгари сурган ғоя ва ташаббуслари, шу асосда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгариш ва янгиланишлар халқнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

— Маҳалламиздаги 358 оилада 1960 киши яшайди. Аҳолимиз, асосан, чорвачилик ва деҳқончилик билан шугўлланади, — дейди ушбу овул фуқаролар йиғини раиси Мажит Шерниязов. — Худудимизда чорвачилик билан шугўлланувчи 2 та МЧЖ ва 18 та чорва фермер хўжалиғи фаолият юритаётган бўлса, 8 та фермер хўжалиғида қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етиштирилади.

Давлатимиз раҳбари “Маданият — Мўйноқдан бошланади”, деган эди. Дарҳақиқат, Мўйноқда қад ростлаган замонавий иншоотлар — боғлар, адилбар хиёбони, хунармандлар аллеяси, музейлар, мусиқа ва санъат мактаблари билан бирга энг чекка қишлоқларда ҳам бунёдкорлик ишлари авж олган.

— Маҳалламизда 2 та мактаб ва 1 та оилавий боғча бор. Шунингдек, кунжутни қайта ишлаш заводи, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехида аҳоли доимий иш билан таъминланган, — дея сўзида давом этди Мажит Шерниязов. — Худудимиздаги 9 кўчанинг 7 тасига қум ва шағал араншмаси ётқизилган бўлса, 1,5 километр пиёдалар йўлакчаси қурилди. Аҳоли табиий газ билан тўлиқ таъминланган. Туман маркази Мўйноқча масофа 80 километр бўлгани боис, Қўнғирот туманига қунига 3 маротаба автобус қатнови йўлга қўйилган.

Бунёдкорлик ишлари “Қизилжар” Офйдаги Алий овулида ҳам давом этмоқда. Аҳолини шу кунгача ичимлик сув, электр энергияси, йўл сингари муаммолар қийнаб келган эди. Шунингдек, овул фуқаролар йиғинининг ўз биноси ҳам бўлмаган. Ўзбекистон Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси моддий қўллов билан янги маъмурий бино тикланиши ушбу қишлоқ аҳли учун ҳам катта совға бўлди.

— Рости, ушбу маҳалла кўп йиллардан буюн эътибордан четда қолиб кетган эди. Икки мингга яқин аҳоли учун зарур шарт-шароитни вақтида яратиб бера олмаганмиз, — дейди

Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси депутати Бийбихон Утамбетова. — Бугун Алий овули янги қиёфага кирди. Мана, овул фуқаролар йиғинининг янги биноси билан бирга ижтимоий хизмат кўрсатиш шохобчалари — сартарошхона, тикув цехи, компьютер зали, кутубхона овул ёшлари бўш вақтларини мароқли ўтказадиган марказга айланди. Нуронийлар ҳам дам олиш учун шароитлар яратилди.

Шунингдек, овулда аҳолининг қувончли кунларини нишонлаш учун тўйхона барпо этилди. Шаҳарлардагидан қолишмайдиган болалар майдончалари, аттракционлар ҳам қуриб, фойдаланишга топширилди.

— Кутубхона ва компьютер зали фойдаланишга топширилиши мактаб ўқувчилари учун яхши янгилик бўлди, — дейди Мўйноқ туманидаги 17-умумтаълим мактаби директори Идирис Аметов. — Алий овули давлатимиз раҳбарининг эътибори туфайли обод қишлоққа айланмоқда. Бу ердаги бунёдкорлик ишлари ҳали давом этади.

Бугунги кунда “Қизилжар” овул фуқаролар йиғинининг янги биносида жойлашган маданият залида аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиши учун барча қулайликлар яратилган. Замонавий иситиш ва совитиш тизимлари эса барча мавсумда тадбирлар кўнгилдагидек ташкил этилишига хизмат қилади.

Алий овулида замонавий шароитларга эга тиббиёт пункти фойдаланишга топширилди. Аҳамиятлиси, энди овулнинг қарийб 2 минг нафарга яқин аҳлига сифатли бепул тиббий хизмат кўрсатиладиган бўлди.

Қисқаси, қишлоқда ҳаёт қайта бошланиб, бу нуроний отахонлардан тортиб, жажжи кичкинтойлар нигоҳида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

МУНОСАБАТ

ТЕЖАМКОРЛИК ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИЙИЙ ГАЗ ТАЪМИНОТИ

БАРҚАРОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Иқтисодиёт тармоқлари ривожланиб, аҳолининг турмуш даражаси яхшилангани сари энергияга талаб ҳам ошиб боради. Буни сўнгги беш йилда юртимизда электр энергияси истеъмоли 20 фоизга, жумладан, аҳоли томонидан сарфланиши 31 фоизга ошгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Масаланинг муҳим жиҳати, бу кўрсаткич йилига 6 фоиздан ўсиб бормоқда.

Президентимиз 31 октябрь кунини энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тақдими билан танишди. Тақдимот чоғида айни жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилиб, бу масала йилдан-йилга долзарб бўлиб бориши, шунинг учун ҳамма соҳа ва ҳудудларда энергияни тежашга ўрганиш кераклиги таъкидланди.

Баҳодир ЭШМУРОВА,
“Худудгазтаъминот” АЖ бошқаруви раиси:

— Йиғилишда куз-қиш мавсумига тайёргарлик, аҳолига табиий газ етказиб бериш ҳолати қай даражада экани, айниқса, олис ҳудудларда яшовчи юрдошларимизни суюлтирилган газ билан барқарор таъминлаш масаласи муҳокама қилинди.

“Худудгазтаъминот” АЖ томонидан республика иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларининг 2022-2023 йиллар куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида мавсумга тайёргарлик қўриш ва уни талафотсиз ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Бугунги кунда ушбу режада белгиланган вазифалар тўлиқ якунига етказилди. Жумладан, 161,5 километр газ тармоғи мукамал таъминланиб, реконструкция қилинди. 6,5 минг километр газ қувири босими остида зичликка сиғилиб, ҳаво босими ёрдамида тозаланди. 4,9 минг километр ер ости газ қувири прибор усулида текширилди ҳамда 6 минг километр газ қувири бўлди. 69,7 мингга газ тақсимлаш пункти техник тафтишдан ўтказилди, 299 таси мукамал таъмирланди.

Шунингдек, мазкур чора-тадбирлар билан бир қаторда, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижроси доирасида 403 километр газ тармоғи ва



999 донга газ тақсимлаш пункти жорий таъмирланди. Суюлтирилган газ истеъмолчиларига 5 минг 393 донга қўшимча маийий газ баллонни етказиб берилиб, бунга 4,4 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Шу билан бирга, 705 мингга аҳоли хонадонининг газ таъминоти тизимини уч босқичлидан икки босқичлига ўтказиш орқали технологияк йўқотишлар ҳажми 4,5 миллион куб метрга қисқартирилди.

Мавсум давомида газ таъминоти тизими барқарорлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда тезкорлик билан ҳаракатланишни ташкил қилиш

даланиш зарур. Айни масала юзасидан табиий газ ҳақида ҳам худди шундай фикрни билдириш мумкин.

Тақдимотда табиий газ ва электр энергияси сарфини қисқартириш йўллари айтилди. Жумладан, саноат корхоналарида иш жараёнини оптималлаштириш, энергия ишлаб чиқариш технологиясини модернизация қилиш, қозонхоналарни янгиллаш ва таъмирлаш, қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига табиий газ ва электр энергияси сарфини 10 фоизгача қисқартириш мумкин.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар, илгари сурилган таклифлар юзасидан масъулларнинг фикрлари билан кизикди.

мақсадида авария хизмати ходимлари ва авариявий ҳолатларни бартараф этиш учун зарур техника ҳамда эҳтиёт қисмлар захираси шакллантирилиб, шай ҳолатга келтирилди.

Қурилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилда 300 минг аҳоли хонадонидида табиий газ таъминотини яхшилашга эришилди.

Йиғилишда Президентимиз томонидан табиий газ таъминотининг бугунги ҳолати, истеъмолчиларни таъминлаш ресурслари билан таъминлашда вужудга келиши мумкин бўлган муаммолар ҳолатларнинг ҳозирдан олдини олиш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга, мавжуд энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича зарур вазифалар белгиланди.

Тақдимотда соҳада рақамлаштириш жараёнига алоҳида эътибор қаратилиб, истеъмолчиларга электр энергия етказиб бериш йўналишида ақлли электрон ҳисоблаш воситаларини ўрнатиш ишлари яқунлангани қайд этилди. Давлатимиз раҳбари султирилган газ таъминоти йўналишини ҳам рақамлаштириш орқали янада салмоқли натижаларга эришиш бўйича вазифаларни белгиллаб берди.

Йиғилишда белгилаб берилган ушбу вазифалардан келиб чиқиб, тизимда иш самарадорлигини ошириш, истеъмолчиларни табиий ва султирилган газ билан барқарор таъминлаш чораларини кўраимиз.

Улғубек МУСТАФОЕВ,
“Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси:

— Аҳолини электр энергияси билан узлуксиз таъминлашда ушбу ресурсни етказиб берувчи ускуна ва жиҳозлар соз бўлиши керак. Ваҳолаки, ҳар қандай кичик носозлик, айниқса, куз ва қишнинг совуқ ҳавосида панд бериб қўйиши мумкин. “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун бугунги кунда худудларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг электр таъминотини яхшилаш бўйича кенг қамровли қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Айни йўналишда юртимиздаги 9 минг 259 маҳалла хатловдан ўтказилиб, муаммо аниқланган 1 минг 71 та “олис” ва “оғир” тоифадаги маҳаллада умумий узунлиги 4 727 километр электр узатиш тармоқлари ва 597 трансформатор пункти янгиланди. Жумладан, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 2 968 километр электр узатиш тармоқлари ҳамда 765 трансформатор пункти янгиланди ва таъмирланди.

Умуман олганда, ташкилотимиз томонидан 2022-2023 йиллар куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш ҳамда истеъмолчиларни барқарор ва сифатли электр энергияси билан таъминлаш учун шу кунгача 28 минг километрдан ортқ электр узатиш тармоқлари ва 9 минг 679 донга трансформатор пунктида мукамал таъмирлаш ишлари бажарилди.

Бундан ташқари, тармоқларда содир бўладиган авариявий ўчишларни тезкор бартараф этиш ва электр энергиясини барқарор етказиб бериш мақсадида худудларда жами 1 минг 434 нафар ходимдан иборат 478 тезкор гуруҳ ташкил этилди. Шу билан бир қаторда, худудий корхоналарда зарур захира яратилди. Натижада 3,3 мингдан ортқ маҳалла ва қишлоқлардаги 3,4 миллиондан ортқ аҳоли ҳамда 206 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектларининг электр энергияси таъминоти яхшиланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини мавсум давомида электр энергияси билан барқарор



таъминлаш мақсадида тизимдаги вазиятларни мониторинг қилиш маркази томонидан туну кун навбатчилик ташкил қилинади. Истеъмолчилар электр энергияси таъминотида оид мувожаат ва таклифларини 1154 қисқа рақамига ҳамда телеграм мессенжердаги жамиятнинг “Hududy elektr tarmoqlari AJ bilan muloqot” расмий саҳифаси орқали юбориши мумкин.

Шу йил 10 июнь кунини Президентимиз раислигида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида барча вазирлик ва идоралар, ҳокимлик, маҳалла биноларини муқобил энергияга ўтказиш бўйича алоҳида топширик берилган эди.

Бевосита электр энергиясига дахлдор ташкилот сифатида бу борада биз бошқаларга ўрнак бўлишимиз керак. Шундан келиб чиқиб, жамият биноси том қисмига қуввати 110 кВт.лик 192 та қуёш панелидан иборат қуёш фотозлектр станцияси ўрнатилди. Ҳозирда мазкур станция электр энергияси таъминотида уланди. Станция йилига ўртача 361 минг 350 кВт. соат электр энергиясини тежаш имконини беради.

Бу тажриба электр энергияси узлуксизлигини таъминлаш, шунингдек, аънавий тармоқдан узилган ҳолда мустакил таъминотга эга бўлиш, молиявий тежамкорликка эришиш ҳамда экологик тоза энергия манбаига эга бўлишда қўл келади.

Айтиш жоизки, айни пайтда жамиятда ушбу анъана оммалашмоқда. Яъни барча таркибий корхоналар биноларига ана шундай қуёш панеллари қўйилапти. Хусусан, “Наманган худудий электр тармоқлари” АЖ биноси томига ҳам қуввати 10 кВт. бўлган 27 та қуёш панелидан иборат фотозлектр станция ўрнатилмоқда. Натижада корхонада йилига 87 кВт. соат электр энергияси ёки 39 миллион 420 минг сўм маблағ тежалишига эришилади.

Шу билан бир қаторда, “Сирдарё ХЭТК” АЖ томонидан маъмурий бино тепасида қуввати 10 кВт. бўлган қуёш электр панеллари, жами 800 литрлик 4 та қуёш сув иситиш қурилмаси ўрнатилмоқда. Шу орқали бир йилда 50 минг кВт. соат атрофида электр энергияси тежалиши кўзда тутилган. Шунингдек, “Фаргона ХЭТК” АЖ томонидан жамиятнинг маъмурий биносига қуёш сув иситкичи ўрнатилди. Бу билан жамиятнинг ўз эҳтиёжлари учун сарф этидиган электр энергиясини иқтисод қилишга эришилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу каби қурилмаларнинг ўрнатилиши қувватига қараб 20-25 ойда ўзини оқлайди ва келгусида иссиқ сув учун энергия харажат қилишга ҳожат қолмайд.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг топшириқлари асосида мавсумга пухта ҳозирлик қўрилди. Қурилган чора-тадбирлар, албатта, электр энергияси таъминоти барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
ёзиб олди.

САМАРҚАНДНИНГ ЭЗГУЛИК ОВОЗИ

СОҒЛОМ ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗАРО ИШОНЧ СИЁСАТИ



Оқил САЛИМОВ, академик

Бошланиши 1-бетда

Хар қандай суверен давлат жаҳон ҳамжамиятига ташқи сиёсий қарашлари, умумпланетар муаммоларга муносабати, азалий мунозаралар ва музокаралар объекти бўлган уруш ва тинчлик масалаларига ёндашувлари билан кириб боради. Бу борада Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ аниқ сиёсий позициясини ва ташқи сиёсат борасидаги концепциясини баён этди. Жумладан, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Конституцияси мамлакатимизнинг ташқи сиёсатини қонун билан қафолатлаб берди. Унинг 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегаралар дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланиши белгилаб қўйилди. Давлатнинг, халқнинг олий манфаатларини, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида турли иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши, зарур бўлганда улардан ажралиб чиқиши мумкинлиги асосий қонунда белгилаб берилди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда Ўзбекистон чиндан ҳам жаҳон ҳамжамиятининг энг сиёсий фаол, халқаро муносабатларда ўзини асосли, қатъий ва ўзармас позициясига эга давлат сифатида намоён қилди. Бу Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги сиёсий мавқеи ва имижини белгилаб берадиган муҳим омил сифатида ўз куч-қудратини кўрсатди.

Вақт ўтган сари умумдунёвий сиёсий жараёнлар тобора фаоллашмоқда. Янгидан-янги муаммолар давлатлараро, минтақалараро ва умумпланетар миқёсда бутунлай янгича ёндашувларни, сиёсий қарашларни тақозо этмоқда. Ўзбекистон ана шу жараёнларда, халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсатда замонавий қарашлари ва муаммолар

ечимини топишдаги ўзига хос ёндашувлари билан кенг имкониятларини намоён этмоқда. Буни Президент Шавкат Мирзиёевнинг кенг миқёсли ташқи сиёсатида яққол қўриш мумкин. Давлатимиз раҳбари юртимиз ташқи сиёсатини ҳозирги замон талаблари ва замонавий цивилизация эҳтиёжлари нуктаи назаридан аниқ белгилаб бермоқда.

Ўзбекистоннинг замонавий ташқи сиёсати фаол, ташаббускор ва прагматик ёндашувлар асосида, юзага келатган хавф-хатарларга ўз вақтида ва адекват жавоб чоралари орқали ечишни талаб этадиган XXI асрнинг ўта шиддат билан ўзгариб бораётган халқаро-сиёсий воқеаликларини инобатга олган ҳолда қўриломоқда. Буни Президентимизнинг қуйидаги фикрларида ҳам кўриш мумкин: “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатининг асосий мақсадлари бу давлат мустақиллиги ва суверенитетини янада мустаҳкамлашдан, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада кучайтиришдан ҳамда миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, мамлакат иқтисодининг барқарор ва тез суръатлар билан ўсиши, унинг очик демократик давлат қуриш йўлидаги жадал сиёсат олиб бориши ва ривожланган давлатлар сафидан ўрин олиши учун энг қўлай шароитларни яратишдан иборатдир”.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида қуйидаги принципларга содиқ бўлиб қолмоқда:

— ўзининг миллий манфаатларига асосланган очик, прагматик ва пухта ўйланган ташқи сиёсат юритиш;

— тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, суверенитетни, ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, чегараларнинг дахлсизлиги ва давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, мунозарали масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик;

— ташқи сиёсий фаолият концепциясига мувофиқ, давлатнинг, халқнинг



мажбуриятларга амал қилган ҳолда иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш, шунингдек, улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиш;

— тинчликсевар сиёсат юритиш ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда, улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиш.

Аслини олганда, тарихий тажриба далолат берадики, давлатнинг сиёсий қарашлари ва халқаро муносабатларда узвийлик мавжудлиги унинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини белгилаш билан бирга ички сиёсатда барқарор тараққиётнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонда мавжуд ички ва ташқи сиёсатнинг ана шундай соғлом, қатъиятли ва ишончли ривожланиши мавжудлиги бевосита унинг ҳам дунёвий, ҳам ички мавқеини белгиламоқда. Ҳозиргача мавжуд сиёсий қарашлар XXI

янги саҳифа очилди. Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель Ўзбекистонга ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев қабул қилди. Учрашувда кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг ҳозирги замон талабларидан, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнлари оқимидан келиб чиқадиган долзарб масалалари чуқур муҳокама қилинди. Халқаро ва минтақавий тараққиёт омиллари атрафида фикр юритилди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатда дунёнинг ривожланган давлатлари, хусусан, Европа мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик тарафдоридир. Бу Президентлар учрашувидан яна бир бор ўз исботини топди.

Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель билан мулоқотда Европа минтақаси ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг янги босқичга асос солинди. Жумладан, сиёсий, иқтисодий, хавфсизлик ва инсон капитали йўналишларида ўзаро бир-бирини тушуниш ва қўллаб-қувватлашга доир Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим дастлабки босқичда имзоланди.

Шарль Мишель Президентимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган Тараққиёт стратегияси асосида амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотларни, инсон кадр-қиммати, бахтли-саодатли ҳаётини таъминлашга йўғрилган юксак гуманистик гояларини қатъий қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлади. Бу эзгуликка йўғрилган мўътабар йўлдан ҳамisha қатъият билан боришни, ортага мутлақо қайтмасликка умид қилишини билдирди. Жумладан, “Бугун Ўзбекистон Президенти билан учрашув чоғида Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очадиган, сиёсат, иқтисодиёт,

хавфсизлик ва инсоний ўлчовлар соҳаларидаги кенг кўламли масалалар бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим дастлабки босқичда имзоланганини олқишлайман.

Биз ЕИ ва Марказий Осиё масалаларига бағишланган анжуман ўтказдик. Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа давлатлар катта ҳажмдаги табиий ресурсларга эга ва географик жойлашуви нуктаи назаридан Европа ва Осиё ўртасидаги кўприқдир. Халқларимиз манфаатлари йўлида барқарорликка эришиш борасида янада кўпроқ ишлар қилишимиз мумкин”, деб Ўзбекистонга катта умид ва ишонч билан қараётганини қайд этди. Бу бутунлай янги тарихий шароитларда Янги Ўзбекистоннинг шарқу ғарб, мағрибу машриқ ўртасидаги азалий рақобатни яхшилик сари буриш борасидаги ғоят кучли, залварли ва дадил қадамидан, узоқни кўзлаган, инсонпарвар гояларидан далолат беради. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистоннинг мавқеини янги босқичга олиб чиққани, шубҳасиз. Буни халқаро экспертлар, сиёсатчилар, сиёсатшунослар тўла эътироф этмоқда.

Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг турли йўналишларини амалга оширишга келишиб олди. Жумладан, томонлар ЕИнинг Марказий Осиё бўйича стратегияси бажарилишини таъминлаш мақсадида 2022 йил 18 ноябрда Самарқанд шаҳрида “ЕИ — Марказий Осиё” форматида ўзаро боғлиқлик бўйича “Барқарор тараққиёт учун глобал дарвоза” конференцияси ўтказилишини мақсадли мувофиқ, деб билишди.

Ўзбекистон ЕИ компанияларининг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб қилиш учун зарур шароитлар яратишига маълум қилди. 2021-2027 йилларга

мўлжалланган, ЕИнинг молиявий-техника кўмағига боғлиқ кўп йиллик дастури тасдиқлангани, унинг доирасида рақамлаштириш, “яшил” иқтисодиёт, энергетик самарадорлик, сувдан фойдаланиш соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, Европанинг илғор тажрибаларини Ўзбекистонда жорий этиш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистоннинг атроф-муҳитни асраш, оғир экологик вазиятнинг ечимини топиш, БМТнинг Оролбўйи минтақасига доир инсон хавфсизлиги бўйича траст жамғармасини ташкил этиш борасидаги ташаббусларини доимий равишда қўллаб-қувватлаб келаётгани учун Европа Иттифоқига миннатдорлик билдирилди. 2023 йилда Ўзбекистонда “ЕИ — Марказий Осиё” биринчи туризм форумини ўтказиш тақдир қилинди.

Бундай кенг кўламли ҳамкорлик жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. БМТ илмий-тадқиқот институти ва Европа университетининг халқаро муносабатлари ривожлантириш дастури директори Хорхе Местре: “Бугун Ўзбекистон амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисидаги изчил ўзгариб бораётганини кўриб турибмиз. У қўшнилар ўртасидаги кўприкларни тиклади, Марказий Осиёдаги етакчилик мавқеини мустаҳкамлади, минтақанинг барча давлатларини сиёсий ва савдо-иқтисодий яқинлаштириш ташаббусини илгари сурмоқда”, деди.

Евроосиё асри институти директори Ирфон Шаҳзоод Ўзбекистон ташқи сиёсати ҳақида гапирар экан: “Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиёнинг Жанубий Осиё, Осиё-Тинч океани ва Европа мамлакатлари билан яқинлашиши ва интеграциялашувидаги муҳим ролини қайд этиш ўринлидир. Президент Шавкат Мирзиёев Остонадаги нутқида Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича жуда муҳим тақдирларни билдирди”, деб Янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини алоҳида таъкидлади.

Буюк британиялик эксперт Кристофер Марк Теофанус эса Ўзбекистоннинг кенг имкониятларини назарда тутиб: “Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда Ўзбекистон халқаро иқтисодий муносабатлар тизимининг муҳим иштирокчисига айланиши ва Илак йўли давридагидек Европа ва Осиё ўртасидаги кўприк бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини алоҳида таъкидламоқчиман”, деди.

Бу каби халқаро эътирофлар Ўзбекистоннинг ҳозирги дунёдаги умумпланетар мавқеини белгилайди.

Ана шу юксак ва олий даражадаги учрашув жараёнида шу йилнинг 28 октябр кунини Тошкентда Европа Иттифоқи делегациясининг Ўзбекистондаги офиси очилди. Айтиш мумкинки, ушбу воқеа Европа ва Осиё, хусусан, Ўзбекистон алоқаларининг барқарорлигини, давомийлигини, узвийлигини таъминлайди.

ИСЛОХОТЛАР АМАЛДА

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚИ

ҲАМ ИЧКИ, ҲАМ ТАШҚИ ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРУВЧИ МУҲИМ АСОС

Шохрўз АЗИМОВ, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги бош инспектори

Бошланиши 1-бетда

Мақкур қоидалар давлат фуқаролик хизматчилари касбий маданиятини, хизмат фаолияти довомида ҳамда хизматдан ташқари вақтда ҳам одоб-ахлоқни, ташқи кўриниши ва кийиниш услубининг намунавий қоидаларини белгилаб берди.

Одоб-ахлоқ қоидаларида учта асосий мақсад кўзда тутилган. Биринчиси — давлат хизматида юксак касбий маданиятни шакллантириш орқали халқимизни рози қилиш, иккинчиси — жамоатчилик онгида давлат хизматида бўлган ҳурмат ва ишончни мустаҳкамлаш, учинчиси — давлат хизматчилари ахлоққа зид хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олиш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йилдаги қарори билан тасдиқланган давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларидан фарқли ўлароқ, янги намунавий одоб-ахлоқ қоидаларида қатор йўналишлардаги одоб-ахлоқ мезонлари белгиланди. Касбий маданият, хизматдан ташқари, хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услубига, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларга доир одоб-ахлоқ қоидалари шулар жумласидан.

Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларга доир одоб-ахлоқ қоидаларига алоҳида тўхталиш лозим. Президентимизнинг сиёсий иродаси тўғрисидаги барча соҳаларга очиклик сиёсати кириб борди. Бу давлат органлари ва ОАВ вакиллари ўртасидаги мулоқот жараёнида ўз ақсини топмоқда.

Шунга қўра, одоб-ахлоқ қоидаларида жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи нормалар белгиланган. Давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари



билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти оммавий ахборот воситаларида ёритилишига кўмаклашиши лозимлиги каби фундаментал қоидалар белгилаб берилди.

Шу билан бирга, давлат хизматчилари билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликнинг чегаралари ҳам очик кўрсатиб ўтилди.

Жумладан, ушбу намунавий одоб-ахлоқ қоидаларида янги механизмлар ўрин олди. Булар давлат хизматчисининг манфаатларини ҳимоялаш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, одоб-ахлоқ қоидаларига

риоя этмаганларга жавобгарлик белгилаш каби механизмлардир.

Бунгача давлат хизматчиларининг хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ юзага келадиган таҳдид, ҳақорат ва қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари мавжуд эмас эди. Мазкур одоб-ахлоқ қоидалари тасдиқлангач, давлат хизматчиларининг хизмат вазифаларини бажариши билан боғлиқ таҳдид, ҳақорат ва қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимояланишнинг ҳуқуқий ёчими бўлди. Энди давлат хизматчиларини қонунга хилоф хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш давлат органи раҳбарининг мажбурияти сифатида белгиланди.

Янги тартиб бўйича одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилувчи масъул субъектлар аниқ кўрсатиб берилди. Давлат хизматчисининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлашнинг инсон ресурсларини бошқариш бўлиналари ёки одоб-ахлоқ комиссиялари, шунингдек, махсус ваколатли давлат органи назорат қилиб боради.

Давлат хизматчисининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилишда ташкилотнинг одоб-ахлоқ комиссияси муҳим роль ўйнайди. Янги тартиб бўйича ҳар бир ташкилотда давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, уларнинг

ахлоқ нормаларига зид хатти-ҳаракатларининг олдини олиш ва бу қоидаларга риоя этиш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш учун комиссия тузилади. Комиссия умумий беш нафардан кам бўлмаган ҳолда тажрибали, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга сазовор давлат хизматчиларидан иборат бўлади. Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича хизмат текширувлари ташкилот раҳбари кўрсатмасига мувофиқ, комиссия томонидан ўтказилиши ҳолис-лини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилишда махсус ваколатли орган этиб белгиланди. Ушбу норма “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Давлат хизматчилари одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмас, уларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлиги белгиланди. Яъни одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмагани учун давлат хизматчисига нисбатан уч хил жавобгарлик белгиланди.

Биринчиси ахлоқий таъсир чоралари бўлиб, унга оғохлантириш, уэр сураш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг коллегиял йиғилишларида танбех бериш киритилган. Иккинчиси интизомий таъсир чоралари бўлиб, амалдаги меҳнат қонунчилигида назарда тутилган чоралар қўрилади.

Учинчиси, давлат хизматчисининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши уларни қонунга мувофиқ бошқа жавобгарликка қонунга зид ҳолда бўлади.

Фикримизга хулоса қилишдан аввал бир пурмаёно ҳикматни келтириб ўтишни жоиз топдик: “Ахлоқ шундай ойнаки, унда инсоннинг ташқи қиёфасигина эмас, балки ички дунёси ҳам кўзга ташланиб туради”.

Демак, инсон нафақат ташқи кўриниши, балки ҳулқи ҳам гўзал, маънавий жиҳатдан ҳар томонлама етук бўлсагина ўзига, оиласига ва бутун жамиятга кўпроқ наф келтиради. Айниқса, давлат хизматчиси хизмат фаолияти довомида ҳам, ишдан ташқари вақтда ҳам ҳулқ-атвори, ташқи кўриниши ҳамда сўзлашув одоби билан ўзгаларга ўрнак ва шахсий намуна бўлиши айни муддао. Шундагина халқимизни рози қиладиган халқчи давлат хизматини шакллантиришга, бу борада олдимизга қўйилган барча эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришга эришамиз.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz_uz_news

БУГУННИНГ ГАПИ

МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИ

ҚУЛАЙ ВА САМАРАЛИ ЕЧИМ



Улуғбек МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Тўлов
тизимлари департаменти
директори

Кейинги йилларда Ўзбекистон банк тизими янги даврга қадам қўйди. Тижорат банклари бутунлай янги иш услубига ўтди. Замонавий хизматлар банклар фаолиятини кенгайтirdи, одамларнинг ишончини оширди. Одамлар уйдан, офисдан чикмасдан туриб, банк хизматларидан

истаганча фойдаланяпти. Тўловларни 24/7 режимида амалга оширмақда. Масофадан туриб онлайн кредит олмақда ёки бўш маблағларини ўзларига маъқул банкларнинг депозитларига жойлаштиряпти. Қисқа қилиб айтганда, банк билан боғлиқ деярли барча ишлар нақд пулсиз амалга оширилмоқда. Бунинг учун шахсий телефонидаги мобиль илова дастурлар уларга яқин ёрдамчига айланган.

Тўлов хизматларининг оммабоплиги ва самардорлиги тўловларнинг узлуксизлиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш орқали мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатини юритишда, шунингдек, тадбиркорлар ва аҳолига тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ зарурий шароитларни яратиб беришда муҳим роль ўйнайди.

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ Марказий банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бири тўлов тизимлари ишлаши барқарорлигини

Мазкур қонунда Марказий банкка юклатилган ваколатларни ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби, банк карталарининг муомалада бўлиш қоидалари, рақамли идентификация қилиш тартиби ва электрон пуллардан фойдаланиш қоидаларини тартибга солувчи янги идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ҳамда амалиётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда.

2020 йилнинг февраль ойида Марказий банкнинг Тезкор тўловлар тизими ишга туширилиши тижорат банклари мижозлари бўлган юридик шахслар ва яқка

(хизматлар тақдим этувчилар) сони 42 тадан ошди.


Яъни коммунал, солиқ ва божхона тўловлари, давлат божлари ёки жарималар, нотариат ҳамда ФХД, кадастр хизматлари, “GM Uzbekistan” автомашиналари, алоқа хизматлари ва бошқа кўплаб хизматлар учун тўловлар реал вақт режимида амалга оширилмоқда.

Ўтган даврда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қулайлик яратиш борасида банк карталарига асосланган чакана тўлов тизимлари инфратузилмасини ривожлантиришга ҳамда улар ўртасида рақобат муҳити ҳам сезиларли даражада кучайди.

Тўлов хизматларидан фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида банк инфратузилмаси, туризм ва бошқа объектларга ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони 2022 йил 1 октябрга келиб, 19,3 мингдан ошиб кетди.

Контактсиз тўлов технологиясини кенгайтириш ҳамда аҳолига қўшимча қулайлик яратиш мақсадида мобиль иловаларга ўрнатилган “Humo Pay” дастури (смартфоннинг NFC тизими) орқали банк картасидан фойдаланмасдан чакана савдо ва пуллик хизматлар кўрсатиш пунктларида тўловларни амалга ошириш хизмати амалиётга татбиқ этилди.

Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали амалга оширилган транзакциялар




Масофавий банк хизматлари имкониятлари ҳақида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кенг тарғибот ишлари олиб борилиши туфайли муомалага чиқарилган банк карталари 31,8 миллион донага етди.

Инновацион хизматларни яратиш доирасида “Tap-to-phone” тизими (тижорат номи “Onetouch”) жорий этилиши билан POS-терминалга муқобил тўлов воситаси сифатида смартфоннинг NFC тизими орқали тадбиркорлик



Тезкор тўловлар тизимида амалга оширилган транзакциялар



таъминлашдан иборат. Ўтган беш йилда миллий тўлов тизимининг барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, тўлов инфратузилмасини кенгайтириш, хизматларни тақдим этишда рақамли технологиялар ҳамда инновацияларни қўллаш, шунингдек, рақобат муҳитини кучайтириш, соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда сезиларли ишлар амалга оширилди.

тартибдаги тадбиркорларга масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали тўловларни туну кун амалга ошириш имконини яратди. Уша йилнинг сентябрь ойида эса Молия вазирлиги Ҳазначилигига бюджет ва солиқ тўловлари ҳамда банкларнинг кредит ҳисобварақларидан тўловларни ҳам худди шу режимида амалга ошириш имконияти жорий этилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг чакана тўловларини ўтказишга



Соҳада муносабатларни тартибга солиш, шу жумладан, электрон пулларга доир қонунчилик базасини яратиш, ушбу бозорда ягона давлат сиёсати ҳамда иштирокчилар ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш мақсадида халқаро тажриба асосида ишлаб чиқилган “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги қонун 2019 йилнинг 1 ноябрида қабул қилинди.

ихтисослашган Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг тизими фаолиятини ривожлантиришда товар (иш, хизматлар) учун тўловлар рўйхатини кенгайтириш, жисмоний шахслар ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун қулай, содда тўлов хизматларини жорий қилишни таъминлашга алоҳида уруғ берилди. Натижада Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали тўловларни қабул қилувчи ташкилотлар


Худудлардаги чакана савдо ва пуллик хизматлар кўрсатиш шохобчалари ҳамда банк инфратузилмаларига ўрнатилган ҳисоб-китоб терминаллари сони 2022 йил 1 октябрга ҳолатига 432,2 минг донага етди.

Маҳаллий тўлов тизимларининг “VISA”, “Mastercard” ва “UPI” етакчи халқаро тўлов тизимлари билан ўзаро интеграцияси амалга оширилиб, фойдаланувчилар учун конверсия амалиёти сиз банк картаси орқали товар ва хизматлар ҳақини тўлаш учун шарт-шароит яратилди.

субъектлари учун тўловларни қабул қилиш имконияти яратилди (айниқса, ўз ўзини банд қилган шахслар ва етказиб бериш хизматини кўрсатувчи субъектлар учун қулай бўлиб ҳисобланади).

Бундан ташқари, 2020 йилнинг март ойида Марказий банк томонидан банк картаси ва тўлов терминалидан бевосита фойдаланмаган ҳолда, банк картасидаги маблағлар қисбидан товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини берувчи QR-код орқали тезкор тўловни амалга оширишнинг “QR-online” ахборот

Банк карталари сони, минг донада



тизими ишга туширилди. Ҳозирда 98 мингдан ортиқ хўжалик юритувчи субъектларга “QR-online” ахборот тизими томонидан QR-кодлар тақдим қилинган.

Шу билан бирга, банкларнинг мобиль илова дастурларида жисмоний шахслар учун барча базавий банк хизматлари (тўловларни амалга ошириш, банк картасини блоклаш, микроқарз (кредит) олиш, онлайн омонатларни расмийлаштириш, онлайн конверсия хизматлари) жорий этилган. Мижозлар томонидан банкларнинг мазкур қулай хизматларидан фойдаланиш даражаси ошиб бормоқда, хусусан, 2021 йилда банкларнинг мобиль иловаси орқали амалга оширилган тўловлар суммаси 58 триллион сўмини, 2022 йилнинг 9 ойи мобайнида эса мазкур кўрсаткич 269 триллион сўмини ташкил этди.


Қайд этиш жоизки, аҳоли томонидан банкларда очилган ҳисобварақлар сони банк хизматлари оммабоплиги даражасини акс эттириб, рақамли молиявий хизматларнинг ривожланишига асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Марказий банкнинг Банк депозитлари Миллий ахборотлар базасида мавжуд маълумотларга кўра эса, 2022 йил 1 октябрга ҳолатига катта ёшли аҳолининг 66,4 фоизи банк ҳисобварақларига эга ҳисобланади.

Банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш хизматларидан фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахслар сони 2022 йилнинг 1 октябрга ҳолатига 27,6 миллионга етди.

2022 йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган барча тўловларнинг қарийб 87 фоизи банкка ташриф буюрмаган ҳолда масофадан туриб амалга оширилган.

Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони (минг нафар)



Бугун кўпчилигимиз эшитиб, кўриб, ўқганимиз ёки бевосита фойдаланаётганимиз — Тошкент метроси ва автобусларда ишлатилаётган йўл қира ҳақини банк карталари билан ҳисоб-китоб қилиш механизми ҳам ана шу савъ-ҳаракатлар самарасидир. Бинобарин, ушбу тизим

очиш, электрон ҳамённи очиш, микроқарз олиш, халқаро пул ўтказмалари орқали келган пул маблағларини қабул қилишдан банк филиалларига ёки тўлов ташкилотларига бевосита ташриф буюрмаган ҳолда масофавий тарзда фойдаланиш имкониятини сезиларли даражада оширди.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда жорий этилган “е-ҚУС” тизимидан фойдаланиб, рақамли идентификация қилиш механизми (Face ID) 26 та тижорат банкида ва 11 та тўлов ташкилотидида тўлиқ амалиётга татбиқ этилмоқда. Ҳозирда ушбу тизимдан 5 миллиондан ортиқ жисмоний шахслар муваффақиятли авторизациядан ўтган.


Тўлов хизматлари бозорига янги иш-тирокчиларнинг кириб келишини таъминлаш орқали рақобатни кучайтириш учун Марказий банк томонидан ҳозиргача 46 та тўлов ташкилоти ҳамда 3 та тўлов тизими операторига ўз фаолиятини амалга оширишга лицензиялар берилди.

Бу эса тўлов хизматларини кўрсатадиган нафақат тижорат банклари, балки нобанк тўлов ташкилотларининг хизматларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжнинг тўлов хизматлари бозорида ортиб бораётганини аниқлатмоқда.

Натижада 2022 йилнинг ўтган даври мобайнида тўлов ташкилотлари томонидан 73,7 триллион сўмлик тўлов транзакциялари амалга оширилиб, 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 баробарга ошди.

Тўлов хизматлари бозорида электрон пуллар тизимларининг жорий этилиши нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг янада ривожланиши ва тўлов хизматла-

Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони (минг нафар)



ридан фойдаланувчиларга қўшимча қулайлик яратади. Электрон пулларнинг бир қанча қулайликлари, хусусан, пул маблағларини тезкорлик билан тасаруф этиш, банкда ҳисобварақини очиш заруриятининг мавжуд эмаслиги каби афзалликлари туфайли оммабоплиги ортиб бормоқда.



йўловчилар вақтини тежашда жуда қўл келяпти.

Қолаверса, халқаро экспертлар билан биргаликда банклар ва тўлов ташкилотлари томонидан хизмат кўрсатиш жараёнида мижозларни масофавий рақамли идентификация қилиш тизими (Face ID) жорий этилгани ҳам мижозларнинг хизматлардан масофадан туриб фойдаланиш имкониятини янада оширди. Бу эса, ўз навбатида, мижозларга банк ва тўлов хизматлари (банк ҳисобварақини

Ҳозирги кунда юртимизда 15 та электрон пуллар тизимига электрон пуллар соҳасида фаолият юритишга рухсат берилган, мазкур тизимларда очилган электрон ҳамёнлар сони 7 миллион донадан ошди.

Бундан кейинги беш йил мобайнида Ўзбекистон миллий тўлов тизимини ривожлантириш ва оммалаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар, татбиқ этилаётган лойиҳаларнинг кичик бир таҳлили, холос.

Шерзод Қорабоев олган сурат.



БИР БАЙТ ШАРҲИ

“ТУРК” – “ГЎЗАЛ” ДЕГАНИ

Султонмурод ОЛИМ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

XV аср буюк форс-тожик шоири Хожа Ҳофиз Шерозийнинг бир ғазали:

*Агар он турки шерозӣ ба даст орад дили моро,
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро,*

деган машҳур матлаъ билан бошланади. Бу байтни Анкарадаги бир даврада тилга олган эдим, туркиялик ҳамкасбларимиз қаттиқ қизиқиб қолди. Кейин уни батафсил шарҳлашга тўғри келди.



Мана, “Фарҳод ва Ширин”дан бир мисол:

*Қаю заррин ғазола, турки чин де,
Қаро туфроққа киргон маҳжабин де.*

Навоий “Фарҳод ва Ширин”нинг 26-бобида Ширин таърифиди:

*Жабинлар гул-гулу киприклари хор,
Қабоглар кенг-кенгу, оғизлари тор,*

деб ёзади. Қовоқнинг кенглиги гўзаллик тимсоли янглиғ келган бу ерда.

“Муҳокамат ул-луғатайн” рисоласида муаллиф қовқлар кенглиги тасвирланган яна бир байт келтиради:

“Ва ҳўбларнинг кўз ва қошлари орасинки, “қа-боғ” дерлар. Форсийда бу узенинг оти йўқтур. Маснавийда бир жамоати ҳўб таърифиди мундоқ дейлибдурким,

б а й т:

*Менгизлари гул-гул, мижалари хор,
Қабоглари — кенг-кенг, оғизлари — тор”.*

Ўтмиш мусулмон Шарқи адабиётида Миррих, яъни Марс сайёрасини “турки фалак” дейишган. Унга “уруш, жангчилик ҳомийси” деб қаралган. Шунинг учун у баъзан “Баҳром” ҳам дейилади. Навоий “Фарҳод ва Ширин”да Фарҳоднинг жанговарлик яроқларини моҳирлик билан эгалаганини мактаб, у ўқ отганда Миррих ҳам офарин ўқишини ёзган:



*Дебон турки фалак отқонда зиҳлар,
Таваҳхум торидин очиб ғирихлар.*

Навоий бир ғазалидаги мана бу байтида “турк” сўзини айнан “гўзал” маъносида қўллаган:

*Нақди жон истаб, мени қийнаса кофир кўзунг,
Неткамен бермайким, ул турк мастедур авон.* Хуллас, Ҳофиз “турки шерозӣ” деганда “шерозлик гўзал” маъносини кўзда тутган. Кўриниб турибдики, “Шероз” сўзи “шерозлик” тарзида сифатга айланган. Шероз эса — шоирнинг она юрти. Бу шаҳар ахли жаҳон адабиётига Муслиҳиддин Шайх Саъдий Шерозий билан Хожа Ҳофиз Шерозийдек икки буюк шоирни бергани билан қиёматгача фахрланса арзийди.

“Ҳинд” калимаси ҳам байтда сифат бўлиб келган. “Ба холи ҳиндуяш” дегани — “ҳиндча, яъни ҳиндларникига ўхшаш холига” дегани.

“Самарқанд” ва “Бухоро” сўзлари эса ўз маъносиди ишлатилган.

Ана энди матн мазмунини ўзбек тилида ифодаласак, бўлади: “Агар у шерозлик гўзал бизнинг кўнглимизни кўлга киритса, (Унинг) ҳиндча холига Самарқанду Бухорони бағишлайин”.

Форс-тожик шеъриятининг ийрик таржимони, профессор Шоислом Шомухаммедов бу байтни:

*Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,
Қаро холига бахш этам Самарқанду Бухорони,*

тарзида гўзал таржима қилган.

Таржимада юзқизик бўлади, нимадир бой берилади, албатта. Бу ерда икки этноним ҳам акс этмаган.

Уларнинг биринчисида “турки шерозӣ”нинг маъноси инобатга олинган: “жонон” сўзи, табиийки, “гўзал” маъносини ифодалайди. Таржимоннинг бу борада бошқа илоҳи йўқ эди. Чунки янги тилимизда “турк” калимаси “гўзал” маъносида қўлланмайди-да.

Аммо назарий жиҳатдан “ба холи ҳиндуяш”даги “ҳиндча” сифатини сақлаб қолиш мумкин эди. Чунки бизда ҳам “ҳиндий хол” ибораси — бор-да. Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфининг ҳушовоз хонанда Дадаҳон Ҳасанов ўтган аср 60-йиллари охирларида маромига етказиб қўшиққа айлантирган бир шеърида:

*Менинг севган ёримнинг
Ой жамоли — бор.
Жамолига ярашган
Ҳиндий холи — бор,*

деган сатрлар учрайди. Амалий жиҳатдан эса энди “ҳиндий хол”ни ушбу ғазалнинг ҳазаж мусаммани солим, яъни “мафоилюн мафоилюн мафоилюн мафоилюн” вазнига мослаш масаласи кўндаланг бўлади. Бу эса осон эмас. Ҳатто мутлақ имкон топилмаслиги ҳам мумкин.

Афсонавий хонанда, Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов Хожа Ҳофиз Шерозийнинг бу машурдан машур ғазалининг ҳам тожик, ҳам ўзбек тилидаги матнини қўшиқ қилиб қўлаган.

Ҳофиз айнан Соҳибқирон Амир Темури замонидан ашаган. У даврларда юртимиз ер юзининг гуллаган маконларидан эди. Бошқача айтганда, ҳаммагини кўзи бизга қараган даврлар эди у. Хўш, Ҳофиз лирик қаҳрамони нега севган ёрига Шерозу Кошонни, Техрону Исфаҳонни, Табризу Машҳадни эмас, айнан Самарқанду Бухорони тортиқ қилмоқчи бўлди? Ахир, у замонда улар қумуш узук бўлса, булар тилло узукдек эди-да!

Энди бу ёгини эшитинг.

Ривоятга кўра, Соҳибқирон Амир Темури қадами ҳозирги Эрон ерларига етганда унга аъёнлари Хожа Ҳофиз Шерозийнинг мазкур байтини айтиб: “Сиз обод айлаган икки буюк шахрингизни бу шоир севганига тортиқ қилиб юбормоқчи бўлибди”, дейишди. Табиийки, шоҳи жаҳон уни тезда даргоҳига олиб келишларини буюрди. Шоирни оёгини ерга теккизмай олиб келишди-ку. Соҳибқирон қараса, бир дарвешнамо киши. Соддагина кийинган.

— Сен нега биз кўрдирган Самарқанд билан Бухорони заъсибдан сўрамадсан ёрига тортиқ қилиб юбординг? — деб дағдаға қилди Соҳибқирон.

Шоир эса пинагини бузмади. Ўзини йўқотиб қўй-мади ҳам. Дойоларча сиполик билан:

— Азбаройи шундай саҳилигимдан шундай камбағал бўлиб юрибман-да, тақсири олам, — деди.

Халқ орасида “Буюклар бир-бирларини тез тушунди”, деган нақл юради. Рост бўлса керак. Буюк шоирнинг бу лутфи буюк Соҳибқиронга хуш ёқад.

Биласиз, ҳукмдорларга ёққан ҳар қандай сўз эса асло тортиқсиз қолмас. Шундай бўлди. Жазо учун боши кундага тортилган шоир Соҳибқирон Амир Темури ҳузуридан совға-салом билан чиқди.

Тарих — ғалати нараса. Баъзан бугун кечаги воқеанинг мағзини чақолма қоласан. Эҳ-ҳе, Ҳофизу Темури давридан бу ёрига қанча сувлар оқди. Ким билади, дейсиз, эҳтимол, шоирнинг бу байти қайсидир шерозлик бир турк қизига бағишлангандир? Худди Турон каби, Эрон ҳам форсий ва туркий қавмлар азалдан яшаб келган ҳудудлардан ҳисобланади. Ҳозирги Эронда, тахминларга кўра, 20-25 миллион туркий тилли озарбайжон истиқомат қилади.

2005 йил майида Ўзбекистондан беш зиёли халқаро китоб ярмаркасида иштирок этиш учун Техронга бордик. Бизни қутиб олган ходим таксига ўтиришгани заҳоти ҳайдовчи ундан “Ҳамиси галдими?” деб сўради. Иккаласи ҳам озарбайжон экан. Биз форсийни қўйиб, улар билан туркийда гаплашишга ўтиб кетдик. Айтишларича, 13 миллионли пойтахтда 3 миллионча озарбайжон истиқомат қилади. Озарбайжонлар Шерозда ҳам бор. Навоий “Фарҳод ва Ширин”да унинг асарлари Шерозда ҳам севиб ўқилаётганини бекорга битмаган. Мана, ўша сатрлар:

*Агар бир қавм, гар юз, ўйқса минадур,
Муайян турк улуси худ менинадур.*

*Олибмен тахти фармонимга осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.*

“Хуросон”, демаким, Шерозу Табрэз, Ки қилмишдур найи қилқим шакаррез.

Кўнгул бермиш сўзумга турк, жон ҳам,
На ёлғуз турк, балқим, туркмон ҳам.

Қаранг, икки қатор шеър замирида шунча гап бор-а!

Мусулмон Шарқи мумтоз сўз санъати қат-қатига кириб борганимиз сари битмас-туганмас маънавий хазинага дуч келаверамиз.

Ундан халқимизнинг буюк тарихи билан боглиқ саҳифаларни ўқиш — янада мароқли.



ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Бу йил Самарқанд дунёни яна ўзига қаратди, қарата олди. Кетма-кет йирик тадбирларга мезбон бўлаётган шаҳар бугун ҳам бир катта анжуманга ҳозирлик кўрмоқда. Биз мазкур тадбирлар доирасида амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободончилик ишлари барчани бирдек хайратга солаётгани, дунёнинг манамен деган сиёсатчиларининг эътирофиди, оммавий аҳборот воситалари бири олиб, бири қўйиб Самарқанд ҳақида мақолалар бераётгани, фильмлар суратга олаётгани тафсилотларини ёзмақчи эмасмиз.



БАҒРИКЕНГ ОДАМЛАР ЮРТИ

ОАВ ВАКИЛЛАРИ УЧУН САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ “ДЎСТЛИК УЙИ”ГА ПРЕСС-ТУР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Бугунги ҳикоямиз ана шу ишларга сабаб бўлаётган, мезбонлиқни жойига қўяётган Самарқанднинг кўпмиллатли халқи, уларнинг ҳамжиҳатлиги, аҳилиноқлиги ҳақида.

Кўни кеча Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси томонидан оммавий аҳборот воситалари ходимлари учун Самарқандга пресс-тур ташкил этилди. Журналистлар вилоят марказидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда миллий маданий марказлар жойлашган “Дўстлик уйи” фаолияти билан атрофлича танишиш имкониятига эга бўлди.

Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, вилоятда маҳаллий аҳоли билан биргаликда яҳудий, форс-тожик, қозоқ, туркман, араб, юнон ва бошқа миллат вакиллари тинчлик-тотувликда яшамоқда.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан сунгги йилларда соҳага оид қабул қилинган қонун, фармон, қарор ва бошқа

— Бугун “Дўстлик уйи”да миллий маданият марказлари билан бирга 36 та нодавлат нотижорат ташкилот ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда, — дейди “Дўстлик уйи” директори Достон Маликов. — Бу ерда музей, кутубхона, қовоқнинг маркази ва бошқа қатор қўлайликлар мавжуд. Миллий маданий марказлар ўзaro дўстлик, ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган бўлса, нодавлат нотижорат ташкилотлар аёллар, ёшлар, соғлиқни сақлаш, спорт, сайёҳлик соҳасида самарали ишлар қилмоқда.


Дўстлик ва меҳр гўшасига айланган бу масканда одамлар ўзбек тили билан бирга тожик, рус, қозоқ, корейс, поляк, турк, татар, бошқирд, озарбайжон, араб ва бошқа кўплаб тилларда мулоқот қилади, ушбу тилларда қўшиқлар баралла янграйди. Тўрт қаватли бинода ишлаш, фаолият юритиш учун барча шароитлар яратилган, хоналар замонавий жиҳозланган, жамоаларнинг ҳудудлар бўйлаб ҳаракатланиши учун автобус ажратилган.

Фурсатдан фойдаланиб, турли миллат вакиллари билан суҳбатлашишга ҳаракат қилдик. Уларнинг самимий мулоқотга киришиши, суҳбатдошга эса қадрдонлардек муносабатда бўлиши, ўзига яқин олиб гапиришида халқимизга ҳоз умумий фазилатлар намоён эди.

— Биласизми, маҳалламизда ўндан ортқ миллат вакиллари истиқомат қилади, — дея гап бошлади ўзини Полина Сайкина деб таништирган наватдаги суҳбатдошимиз. — Яқинда бир қўшимизнинг бошига катта ташвиш тушиб, қарзга ботди, моддий томондан жуда қийналиб қолди. Ёрдам сўраб турли ташкилот ва идораларга бормади, биз ўзимиз маҳалла, қўшнилари маслаҳатлашиб, унга ёрдам кўрсатдик, муаммосини қўлашиб бартараф қилдик. Менимча, одамлари бағрикенг бундай юртда, мамлакатда яшаётган турли миллат кишилари доим дилдан шўқрона келтиради.

Дарҳақиқат, инсоният учун энг катта бойлик тинчлик, тинчликнинг манбаи эса ҳамжиҳатлиқдир. Бу неъматларнинг қадрига етиш, турли миллат ва эллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшаётган Ватанимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, кимлигимиздан қўчи назар, барчамизнинг муқаддас бағрини ҳисобланади.

Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлғамалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1164.
81039 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоғ бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусахҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқуни — 01:10 Топширилди — 01:40

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz